

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ХАЛҚЛАРНИНГ МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАРИ



Сайёра Тўйчиева

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти профессори, фалсафа фанлари доктори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19381715>

Аннотация. Ушбу мақолада туркий тилли халқлар маданияти, қадриятлари, тарихий тажриба, миллий урф-одатлар ҳақида мулоҳаза юритилган. Тилда, тарихда, географияда, маданият ва сиёсатдаги муштаракликни институционал ва маданий механизмлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Халқ, маданият, қадрият, эътиқод, муштараклик, тараккиёт, давлатчилик, интеграция, концептуал платформа, минтақа, глобал, дунёқараш.

Аннотация В данной статье рассматриваются культура, ценности, исторический опыт и национальные традиции тюркоязычных народов. Анализируются институциональные и культурные механизмы общности в языке, истории, географии, культуре и политике. Особое внимание уделено общему историко-научному наследию, традициям древней государственности и современным интеграционным процессам тюркского мира.

Ключевые слова: Народ, культура, ценность, вера, общность, прогресс, государственность, интеграция, концептуальная платформа, регион, глобальный, мировоззрение, исторические корни, сотрудничество.

Abstract This article discusses the culture, values, historical experience, and national traditions of Turkic-speaking peoples. It analyzes the institutional and cultural mechanisms of commonality in language, history, geography, culture, and politics. The paper explores the shared historical and scientific heritage, ancient traditions of statehood, and the conceptual platforms for modern integration among Turkic nations.

Keywords: People, culture, values, faith, commonality, progress, statehood, integration, conceptual platform, region, global, worldview, historical roots, cooperation.

Туркий халқларнинг қадриятлари умумий тарихий тажриба ва "туркий тил" феноменига таянади. Туркий халқлар асрлар давомида жўғрофий жойлашув, сиёсий воқелик ва тарихий жараёнларга қарамай маънавий, маданий ва қадрият жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган катта бир миллатдир.

Ўғуз, қарлуқ, қипчоқ лаҳжаларида сўзлашувчи туркий дунё халқлари тарихий мерос, умумий тил илдизлар, тарихий тажриба, миллий урф-одатлар ва эътиқодларга эгадир. Улар ўртасидаги маънавий бирлик ва умумий қадриятлар бугунги кунда Туркий дунё интеграцияси ва ҳамкорлиги учун мустаҳкам пойдевордир. Чинданда туркий тилда ижтимоий-сиёсий уюшқоқлик юқори даражада бўлганлиги боис уларнинг тилида сақланган

“эл”, “улус”, “эл-юрт”, “кўш” (сиёсий уюшма), “уруғ”, “элат”, “аймоқ” каби ўнлаб сўзлар кўрсатиб турибди[1].

“Туркистон” атамаси азалдан Марказий Осиё минтақасининг катта бир ажралмас қисми бўлган Каспий денгизидан то Монголияга қадар бўлган ерларга нисбатан ишлатилган. Жанубдан Шимолий Афғонистондан то Сибир дарёси қирғоқларигача бўлган кенгликларда асосан туркий тилли халқлар истиқомат қилишган. Тўғри бу атама турли даврларда кенгайиб, ушбу ҳудудлардан ҳам кенгрок минтақага нисбатан қўлланилган, баъзида эса бирмунча торроқ ҳудудни англатиб қолган вақтлари ҳам бўлган бўлсада, ўнлаб асрлар давомида кўпроқ Марказий Осиёда жойлашган турли ўлкаларнинг бирлаштирувчи ўрни бўлиб келганлиги англашилган. Баъзи манбаларда Туркистон деганда айтиб ўтилган ўлкалар билан бирга Доғистон ва Озарбайжон ўлкаларини ҳам қамраб олган кенг минтақа тушунчаси ҳам келтирилган. Ҳозир бу минтақа жуда кенгайиб кетган бўлсада, бироқ, бирлашув жараёни сиёсий жараёнга айланиши, маданий кечмишлар, иқтисодий муносабатлар бир қадар барқарорлашмоқда. Ўзак мамлакатлар ҳисобланмиш Марказий Осиё, Олтой ва Монголия, Сибир, Урал-Волга дарёлари оралиғи, Узоқ Шарқ, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон, Шимолий Кавказ ва Қора денгиз қирғоқлари, Эрон, Миср, Кичик Осиё ва Яқин Шарқ, Хитойда ўнлаб туркий сулолалар истиқомат қилган.

Ўзак она-юртлардан бошқа яна ўнлаб ўлкаларда кўплаб сулолалар тузиб, қатор ўзга эл-улусларнинг ҳам бошини бириктирган. Масалан биргина Ҳинд ўлкасида 1,5 ярим минг йилдан кўпроқ вақт кесимида ўнлаб туркий сулолалар бошқаруви ўрнатилган, ҳеч бўлмаганда, бир бўлаги – бошқарувчи элати олд-турклар билан тенглаштирилган Кушон подшолиги (минг I – III асрлар), IV – VI асрлар оралиғида Марказий Осиёнинг ўзак ерлари, Шарқий Туркистон, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистонни бирлаштирган хионийлар, кидарийлар эфталийлар, кейинроқ Турк ҳоконлиги (552-744), Қирғиз ҳоконлиги, Уйғур ҳоконлиги, Туркеш ҳоконлиги ва туркийлар хинд дарёси оралиғига кўчиб боришган. Шимолий Ҳиндистонда улар ўз давлатларини қурганлар. Кейинчалик Қобул Тегиншоҳлари (640-843), Ғазнавийлар (977-1185), Деҳли султонлиги (1206-1526), Темурийлар (1370-1507), Бобурийлар (1526-1858) ва яна бир катта-кичик туркий сиёсий уюшмалар бу ўлканинг жиливини ўз қўлларида туриб турдилар.

Туркий халқлар асосий қисми ислом динига эътиқод қилишса, татарларни бир қисми, чувашлар, гагаузлар, хакасларнинг бир қисми, туваликлар ва телегутлар, теленғуглар бир қисми насроний динига сиғинишади, тува, олтойликлар, Хитойдаги фууюй қирғизлари ва югурлар, салорларнинг айримлари будда дини вакиллари бўлишса-да, якутлар шомон, тангричилик ақидаларига ишонишади. Бундан кўринадики, уларнинг эътиқодлари турлича бўлсада, умумтуркий кадриятлар, туркий ўзликни англаш аслида бир-бирига яқинлаштиради. Илк бор бундан 2 минг йил олдин “Тангри”, “кут” каби номлар барча туркийлар луғатида мавжуддир[2]. Маданий анъаналар, тиллар ва урф-одатларнинг ўхшашлиги туркий халқлар оғзаки шеърий ижодининг кўплаб жиҳатлари учун бирлаштирувчи асосдир.

Туркий тиллар орасида фарқлар бўлса-да, уларнинг асосий лексик, грамматик ва фонетик тузилиши ўхшаш бўлиб, бу халқлар ўртасида ўзаро алоқа ва тушунишни осонлаштиради. Масалан қозоқ, қирғиз, ўзбек, озарбойжон, туркман ва бошқаларда бир қатор сўзлар ёки иборалар бир-бирига жуда яқин. Умумий дунёқараш қадимдан ушбу йирик миллатнинг табиатга эҳтиром, катталарни улуғлаш, меҳмонга ҳурмат, бағрикенглик, анъанавий оилавий кадриятлар ва фидокорлик руҳи, энг асосийси миллий ғурур ва ватанпарварлик туркий халқларнинг маънавий коди ҳисобланади. Қадимги туркий

тили(VIII-X асрларда) Ўрта Осиё, Жанубий Сибир, Шарқий Туркистон, Мўғулистон ва бошқа худудларда яшаган туркий қабилаларнинг умумий тили сифатида фаол қўллаган лисони бўлган. Қадимги ёзув маънавий мероснинг рамзи бўлиб, Ўрхун-Энасой ёзувлари (VII-VIII асрлар) биринчи туркий алифбо асосида битилган ва туркий тилдаги деворий ёдгорликлардир.

Бу ёзувлар орқали туркий халқларда ватанпарварлик, халқпарварлик, аجدодларга садоқат, адолатпарварлик ва бирлик ғоялари кенг тарқалганини кўриш мумкин. Бу ёзувлар нафақат тил, балки турмуш тарзи, ахлоқий қарашлар, ижтимоий муносабатларни ҳам тасвирлайди. Ҳокония туркчаси XI-XIII асрларда қарлуқ, ўғуз ва уйғур диалектларининг уйғунлашуви асосида шаклланиб, Марказий Осиёда туркий халқлар орасида расмий ва адабий тил сифатида хизмат қилган. Айнан шу тилда ёзилган асарлар орқали туркий дунё ўз маънавий қиёфасини намоён этган. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий каби олимлар туркий дунё маънавий бирлигининг асосчиларидир. Уларнинг асарлари туркий тил ва маданиятнинг илмий, ахлоқий ва фалсафий асосларини белгилаб берди. Ҳокония туркчаси эса бир неча асрлар давомида туркий халқларнинг буюк маънавий меросини сақлаб қолган асосий адабий восита бўлиб хизмат қилган. Бу буюк маънавий меросга туркий тилда сара асарлар яратган Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, Атоий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Шайбонийхон, Убайдуллахон каби машҳур сўз салафларининг исмлари киради. Бугунги кунда кўпчилик чиғатой тилида ёзилган асарлар, девонлар ва битиклар Европа давлатлари кутубхоналарида сақланади. XV асрнинг иккинчи ярмига қадар ижод қилган туркий адабиёт намоёндалари сифатида Саккокий, Лутфий, Атоий, Ҳайдар Юсуф Амирий, Аҳмадий, Яқиний, Сайдий Аҳмад Мирзо, Гадоийларни киритиш мумкин.

Илк бор бундан 2 минг йил олдин яратилган “Тангри”, “қут” каби номлар барча туркийлар луғатида мавжуддир[3]. Маданий анъаналар, тиллар ва урф-одатларнинг ўхшашлиги туркий халқлар оғзаки назмий ижоди кўплаб жиҳатдан уларни бирлаштиради. “Китоб-и Дадем Қоркут” қадимги туркий адабиётнинг энг буюк ёдгорлиги, Қоркутнинг номи Қозоғистонда кенг тарқалган, Қизилўрда вилоятида унга ёдгорлик ўрнатилган. Қоркут бобосининг образи ва Қоркутнинг ўлимдан қутилиши ҳақидаги қозоқ афсонаси ханузгача сақланиб қолган, бу мавзу машҳур қозоқ ёзувчиси Мухтар Ауэзов асарларида акс эттирилган. Китобнинг озарбайжонча версияси ўн икки бобдан иборат бўлиб, “Китоб-и Дедем Қоркут” деб номланади. Бу дoston ўғуз тиллари гуруҳига тегишли - уни озарбайжон-турк-туркман китоби деб ҳам аташ мумкин. Ўғуз қабилаларининг қаҳрамонлик достони Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Қора денгиз минтақасининг кенг худудида кенг тарқалган. “Ўғузнома” достони Озарбайжон, Туркия, Туркменистон ва Қозоғистон халқлари орасида машҳурдир. Қоркут ота кўплаб олимлар томонидан тадқиқот мавзусига айланган, улар орасида таниқли озарбайжон ёзувчиси ва туркий адабиётдаги Қоркут феномени тадқиқотчиси Анар Ризаевни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Наврўз – баҳорнинг келиши, янгиланиш ва яшариш рамзи сифатида барча туркий халқларда минг йиллар давомида байрам қилинади. Ҳашар, кўмак, жамоавий ёрдам қишлоқларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, биргаликда уй қуриш, ариқ қазиш каби анъаналар умумийдир. Туркий халқларнинг оғзаки ижод маҳсули бўлган ва ҳозирда бахши ва оқинлар томонидан кўйланадиган дostonларда ватанпарварлик, мардлик, садоқат, адолат каби умумий қадриятлар ёритилган. “Меҳмон отангдек улуғ” мақолида келтирилганидек, ҳар бир туркий халқда меҳмонга очиқ эшик, дастурхон ва ҳурмат маданияти авлоддан авлодга ўтади. Туркий дунё халқларининг аксар қисми ислом динига

эътиқод қилади. Ислом уларнинг маънавий дунёқараши, ахлоқий меъёрлари ва турмуш тарзида муҳим ўрин тутди ва бу қадриятлар туркий халқларнинг миллий қадриятлари билан уйғунлашиб кетган. Шу билан бирга, исломдан аввалги тангричилик, табиатга эҳтиром, космогоник қарашлар ҳам баъзи туркий халқлар маънавиятида сақланиб қолган ва бугунги кунда илмий-этнографик изланишларда қайта баҳоланмоқда.

Тили бир, тарихи бир, дини бир, мақсадлари битта туркий халқлар ҳамдўстлиги мустаҳкамлигини таъминловчи замонавий ташаббуслар сифатида сўнгги ўн йилликда улар ўртасида маданий ва маънавий ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган қатор ташкилотлар фаолият юритмоқда. Турк Давлатлари Ташкилоти (ТДТ), TÜRKSOY, Халқаро Турк Академияси каби бирдам ва биродар халқлар маданиятини асраш ва ривожлантириш, туркий давлатлар ҳамкорлигида маданий, таълимий ва сиёсий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, умумий тарих, адабиёт ва тил борасида илмий тадқиқотларни илгари суриш каби мақсадларни илгари сурмоқда. Баркамол авлод учун яратилажак умумтуркий тарих, адабиёт ва география дарсликлари туркий дунёга оид маънавий бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳар бир туркий миллат ўзлигини сақлаган ҳолда, умумий тил, тарих, урф-одат, дин, маданият ва ахлоқий мезонлар атрофида бирлашаётгани, бу бирлик нафақат сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик, балки маънавий юксалиш учун ҳам замин яратмоқда. Маънавий бирлик моддий тараққиётнинг асоси, юксак маънавият эса юксак давлатчилик белгисидир. Қардош турк халқлари асрлар давомида ўзаро тили, маданияти, тарихи ва анъаналарига кўра яқин бўлган, кенг Евроосиё минтақасида тарқалган улкан цивилизация ва инсоний мерос эгаларидир. Ҳозирги глобаллашув даврида туркий давлатлар ўртасидаги яқинлашув, интеграция ва ҳамкорлик нафақат тарихий эҳтиёж, балки стратегик заруратга ҳам айланмоқда. Туркий бирлик ғояси туркий тилли халқларнинг умумий манфаатлари, барқарор келажаги ва муштарак цивилизация асосларига таянган ҳолда бирлашиш йўлида муҳим концептуал платформа ҳисобланади.

Маданият ва санъатдаги уйғунлик қалблар бирлигини тараннум этади. Халқ оғзаки ижоди, мусиқа, хунармандчилик, миллий фестиваллар, кино ва театр каби маданий йўналишлардаги алоқалар халқлар қалбини яқинлаштиради. Туркий халқлар санъати ва меъморчилиги умумий эстетик дунёқарашнинг юксак ифодаси бўлиб, бу борада қўшма маданий тадбирлар, туркий маданият форумлари ва мусиқа фестиваллари туркий бирликни оммалаштиришда муҳим воситадир. Тилда, тарихда, географияда, маданиятда ва сиёсатдаги муштаракликни институционал ва маданий механизмлар орқали мустаҳкамлаш орқали туркий давлатлар минтақавий, глобал миқёсда барқарор куч сифатида шаклланиши мумкин. “Мамлакатларимиз ўртасидаги умумий тарих, муштарак тил ва дин, азалий қадриятларга асосланган кўпқиррали муносабатлар сўнгги йилларда сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилаётгани бизни жуда қувонтиради” [4].

2025 йилда Тошкентда ташкил этилган Туркий давлатлар халқаро университети эса илм-фан ва таълим соҳасидаги муштаракликни янги босқичга олиб чиқди. ТУРКСОЙ ҳар йили аъзо ва кузатувчи давлатларнинг машҳур ва тарихий шаҳарларини “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” дея эълон қилиш лойиҳасини амалга ошираётгани, ҳар йили қадимий ва бой тарихга эга маълум бир шаҳар пойтахт сифатида танланиб, ўша шаҳарда календар йили давомида аҳамиятли бўлган турли хил маданий тадбирлар ва юқори даражадаги учрашувларни ўтказилаётгани эса маданий ҳамкорликнинг амалдаги исботидир. Туркий халқларни минглаб йиллардан бери бирлаштириб келган умумий тил, адабий мерос ва миллий қадриятларни кенг ва фаол тарғиб этиш, туркий зиёлилар, алломалар, олимлар ва

адибларнинг илмий ижодий меросини оммалаштириш ва илмий тадқиқотлар орқали бўлғуси олимлар ва маърифат зиёлилари онгида туркий тиллар ва маданиятга нисбатан қизиқиш ва ҳурмат туйғусини кучайтириш ҳар биримизнинг ҳар қунги вазифамиздир.

Фойдалагилган адабиётлар

1. Бобоёров Ғ. Туркий ўзлик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2025. – Б. 162.
2. Бобоёров Ғ. Ўзбек тили тарихи. – Тошкент: Фан, 2022. – Б. 6.
3. Бобоёров Ғ. Ўзбек тили тарихи. – Тошкент: Фан, 2022. – Б. 6.
4. Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. ”Ўзбекистон” НМИУ.2018.Б.383